



РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Боронов Бобур

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори в.б., DSc

ORCID: 0000-0002-2597-4755

bobur-boronov@mail.ru

Ахмедов Миржало

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

ORCID: 0000-0003-1630-8691

mirjalolabdusamadovich@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада республика миллий иқтисодиётини ривожлантиришда нодавлат олий таълим ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти, юртимизда фаолият юритаётган нодавлат олий таълим ташкилотларининг миқдори ва уларда таълим олаётган талабаларнинг сони, олий таълим ташкилотларининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: олий таълим, хорижий олий таълим ташкилоти, нодавлат олий таълим ташкилоти, нодавлат таълим хизматлари, ҳемис тизими, талабалар.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ

*И.о. профессор, DSc **Боронов Бобур***

Самаркандского института экономики и сервиса

Ахмедов Миржало

Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация: В данной статье рассматриваются такие вопросы, как роль и значение негосударственных организаций высшего образования в развитии народного хозяйства республики, количество негосударственных организаций высшего образования, действующих в нашей стране, и численность обучающихся в них студентов, региональное распределение организаций высшего образования.

Ключевые слова: высшее образование, зарубежная организация высшего образования, негосударственная организация высшего образования, негосударственные образовательные услуги, система HEMIS, студенты.

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF NON-GOVERNMENT HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL ECONOMY OF THE REPUBLIC

DSc Boronov Bobur

Samarkand Institute of Economics and Service

Axmedov Mirjalol

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. *This article covers issues such as the role and importance of non-state higher education organizations in the development of the national economy of the republic, the number of non-state higher education organizations operating in our country and the number of students studying in them, the regional distribution of higher education organizations.*

Keywords: *higher education, foreign higher education organization, non-state higher education organization, non-state education services, hemis system, students.*

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида “Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга”¹ деб кўрсатилган бўлиб, мамлакатимизда таълим хизматларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда белгиланган бу каби муҳим кўрсатмалар мамлакат раънақи йўлида ижтимоий вазифаларни амалга оширишда долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда глобал рақобат шароитида ҳар қандай давлатнинг тараққиёти, аввало, билимли, юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, нодавлат олий таълим ташкилотларининг ташкил этилиши ва ривожланиши миллий иқтисодиётга кўп қиррали ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Мазкур илмий тадқиқот иши доирасида миллий иқтисодиёт ва таълим тизимига оид бир қатор илмий, норматив-ҳуқуқий ва таҳлилий адабиётлар ўрганилди. Хусусан, нодавлат олий таълим ташкилотларининг иқтисодий, ижтимоий ва таълим соҳаларидаги ўрнини очиб берувчи манбалар таҳлил қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таълим соҳасида нодавлат секторнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, уни мамлакат тараққиётининг янги асрлари сифатида таърифлаган: “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иждоий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуниси, деб ҳисоблаймиз”. Бу фикрлар давлат ва хусусий таълим муассасалари ўртасидаги уйғунлик, кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш ва рақобат муҳитини кучайтиришдаги муҳим омилни очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992) ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрир, 2020) – мазкур ҳужжатларда таълим соҳасини давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкинлиги ва таълимда рақобат муҳити


¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 01 май.

яратиш орқали сифатни ошириш муҳимлиги белгиланган. Бу ҳужжатлар нодавлат олий таълим ташкилотларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Валиев Ш.Э., Хайрутдинов С.Т. ва Муминов Т.К.ларнинг “Нодавлат олий таълим ташкилотларини ташкил этиш тенденциялари ва омиллари таҳлили” номли мақоласида нодавлат ОТТларнинг иқтисодий самарадорлиги (efficiency) ҳамда ташкил этиш тенденциялари, бу жараёндаги таҳлил усуллари ўрганилганлиги таъкидланади. Бу ёндашувлар мамлакатимизда хусусий таълим тизимининг ривожига ва иқтисодий аҳамиятини аниқ ташкил этиш имконини беради.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олим – Абдурахмон Қудратов “Иқтисодий барқарорликка эришишда кадрлар тайёрлаш тизимини диверсификация қилиш муҳим омил ҳисобланади” дея таъкидлаган. Нодавлат олий таълим муассасалари таълимда рақобатни кучайтириб, сифатли кадрлар етиштиришда давлат таълим тизимига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари – айниқса, “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” ҳамда “2030 йилгача таълим соҳасини ривожлантириш стратегияси”да хусусий сектор иштирокини кенгайтириш вазифалари белгилаб берилган. Бу эса нодавлат ОТТларининг иқтисодиётдаги ролини мустаҳкамлашда муҳим асос бўлади.



1-расм. Нодавлат олий таълим ташкилотларининг асосий мақсади

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат олий таълим ташкилотлари нафақат таълим сифатини ошириш, балки миллий иқтисодиётга рақобатбардош, замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Улар иқтисодиётнинг турли соҳаларида кадрлар таъминотини

яхшилаш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш, инновацион ғояларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Нодавлат олий таълим ташкилотлари — бу давлат мулки бўлмаган, юридик ёки жисмоний шахслар томонидан таъсис этилган таълим муассасаларидир. Улар давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрлайди, бироқ ўз фаолиятида муайян даражада мустақилликка эга².

1. Кадрлар тайёрлаш ва меҳнат бозорига таъсири. Нодавлат олий таълим муассасалари меҳнат бозоридаги реал эҳтиёжларга тезроқ мослаша олади. Улар, янги йўналишлар ва мутахассисликлар очишда фаол, илмий-техникавий тараққиётга тез мослашувчи кадрларни тайёрлашда юқори самара кўрсатади ва хорижий таълим моделларини адаптация қилиш орқали мутахассислар тайёрлашнинг сифатини оширади.

2. Иқтисодиётга инвестиция жалб қилиш. Нодавлат сектор орқали таълим соҳасига хусусий инвестициялар кириб келади. Бу эса, давлат бюджетидаги юкни камайтиради, таълим инфратузилмасини ривожлантиради ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

3. Инновацион тараққиётга ҳисса. Кўпгина нодавлат ОТМлар стартап лойиҳалар, технопарклар ва инкубаторлар ташкил этиб, ёшларнинг инновацион ғояларини рўёбга чиқаради. Бу эса иқтисодиётнинг рақамлилашувига ва янги соҳалар ривожига туртки беради.

Тадқиқот методологияси.

Республика миллий иқтисодиётини ривожлантиришда нодавлат олий таълим ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти бўйича олиб борилган тадқиқотда илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида “Ўзбекистон – 2030” (Фармон, 2023) стратегиясида қатор чора-тадбирлар ва вазифалар белгиланган. Жумладан:

- ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш;

- умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш;

- 30 та олий таълим муассасасининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш;

- «Топ-500»га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида «икки дипломи тизим»ни жорий этиш;

- 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли «Топ-1 000» олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришиш;

- олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш.

Нодавлат олий таълим ташкилотларининг аҳамияти ва истиқболлари:

- таълим сифатининг ошиши: рақобат муҳити таълим муассасаларини сифатни яхшилашга мажбур қилади;


- халқаро интеграция: кўпгина нодавлат ОТМлар хорижий университетлар билан ҳамкорликда фаолият юритади, бу эса мамлакат таълим тизимининг халқаро майдондаги нуфузини оширади;

² ЎРҚ-637-сон 23.09.2020. Таълим тўғрисида - LEX.UZ

▪худудий ривожланишга ҳисса: нодавлат таълим муассасалари марказдан узоқ худудларда ҳам очилиши орқали маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришда иштирок этади

▪ижтимоий таълим хизматларига кенг етиб бориш: аҳолига таълим олиш имконияти кенгаяди, турли тоифадаги шахслар учун таълимда тенглик таъминланади.

Олий таълим соҳаси иқтисодиёт, инсон капитали ва инновацияларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутати. Хусусан, умумий таълим хизматларида олий таълимнинг улуши 2017 йилда 47 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 59,5 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасида таълим хизматларининг қўшилган қиймати 14 фоизга етди, 2017-2024 йилларда олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчилар сони 1,7 баробар ошди³.



2-расм. Олий таълим муассасаларининг мулкчилик шаклига кўра таркиби

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.


Сўнгги йилларда олий таълим хизматларига бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида олийгоҳларнинг сонини ортириш зарурати туғилди. Бунинг натижасида нодавлат таълим муассасалари очила бошланди. Хусусий боғча ва хусусий мактаблар сони ортгани сари нодавлат колледж ва нодавлат олий таълим ташкилотлари очила бошланди.

Нодавлат олий таълим муассасаларининг Ўзбекистондаги жами олий таълим муассасаларидаги улуши 2022/2023 ўқув йилидаги 25 фоиздан 2023/2024 ўқув йилида 31,9 фоизга ошди. 2023/2024 ўқув йилида Ўзбекистондаги хусусий олий таълим масканларида таҳсил олаётган талабалар улуши эса 23,95 фоизга ошди ва 318.6 минг нафарга етди (талабаларнинг жами сони 1,33 млн. нафар). Бу рақам 2024/2025 ўқув йилида аллақачон 1 432,8 мингга етди — яъни, 10 йил ичида талабалар сони 5 дан ортиқ карра ўсди. Хусусий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони (2025-йил бошига) 515 634 нафарга етди ва нодавлат олий таълим масканларида таҳсил олаётган талабалар улуши эса 35.98 фоизни ташкил қилди.

Бу маълумотларга кўра, нодавлат олий таълим муассасаларидаги талаба улуши юқори даражада, бу эса таълим-системаси ичидаги муҳим ўзгаришларни кўрсатади.

Қуйидаги жадвални таҳлил қилган ҳолатда кўришимиз мумкунки, Тошкент шаҳар, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида нодавлат олий таълим ташкилотлари улуши кўпчиликни ташкил қилмоқда. Сирдарё вилоятида эса ҳозирги кунгача нодавлат олий таълим ташкилотлари рўйхатдан ўтмаган.

³ <https://aniq.uz/yangiliklar/sunggi-besh-yilda-uzbekistonda-oliy-talim-muassasalari-soni-3-barobar-oshdi>



3-расм. Олий таълим муассасаларининг ҳудудлар кесимида жойлашиши

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ҳемис тизими маълумотларига кўра, Ўзбекистонда энг кўп талабага эга ТОП-10 нодавлат олий таълим муассасалари аниқланди. Ушбу университетлар талабалар сони бўйича энг йирик нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳисобланади.

Энг кўп талабага эга хусусий университетлар:⁴

1. Тошкент Кимё халқаро университети – 36 598 нафар талаба
2. ИСФТ институти – 29 470 нафар талаба
3. Тошкент амалий фанлар университети – 26 460 нафар талаба
4. Термиз иқтисодиёт ва сервис университети – 23 888 нафар талаба
5. Осиё халқаро университети – 22 279 нафар талаба
6. Алфраганус университети – 22 245 нафар талаба
7. Университй оф Бусинесс анд Ссиенсе – 20 728 нафар талаба
8. Тошкент Кимё халқаро университети Самарқанд филиали – 20 283 нафар талаба
9. Иқтисодиёт ва педагогика университети – 19 138 нафар талаба
10. Тошкент Кимё халқаро университети Наманган филиали – 17 974 нафар талаба.

⁴ <https://talimtelekanali.uz/uzc/eng-kop-talabaga-ega-top-10-ta-nodavlat-oliygohlar-10-02-2025/>

Хулоса ва таклифлар.

Нодавлат олий таълим ташкилотлари нафақат таълим соҳасида, балки миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга. Улар орқали янги кадрлар захираси яратилади, инвестициялар жалб этилади, инновациялар илгари сурилади ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши таъминланади. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги орқали бу жараёни янада жадаллаштириш мумкин.

Тадқиқотлар давомида аниқ бўлдики, Ўзбекистондаги нодавлат олий таълим ташкилотлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида ушбу соҳанинг ҳисоб ва ҳисобот тизимини янада такомиллаштириш заруратини вужудга келтиради. Нодавлат олий таълим ташкилотларининг даромадлари қайси манбалар эвазига шаклланимоқда ва харажатларини қандай усулларда оптималлаштириш мумкинлига тўғрисида илмий ишлар олиб бориш зарур ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/References:

Конституция (2024) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: “Ўзбекистон”, 2024.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги, ПФ-60-сон.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон.

Абдурахмонов Қ.Н. (2021) Олий таълим тизимини модернизациялаш: стратегия ва истиқболлар. – Тошкент: “Иқтисод-Молия”.

Юнусов Б.Р. (2022) Таълим ва иқтисодиёт: боғлиқлик механизми. – Тошкент: “Фан ва технология”.

Қурбонов У.М. (2023) Нодавлат таълим муассасалари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги. “Иқтисодиёт ва таълим” журналы, №1.

Насриддинова М.Ш. (2022) Ижтимоий соҳа ривожига нодавлат таълим муассасаларининг ўрни. “Илмий таҳлиллар” журналы, №4.

Холиқова З. (2023) Таълимда хусусий сектор: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро таҳлил. – “Таълим иқтисодиёти” журналы.

Қонун (2022) “Таълим тўғрисида”ги Қонун – №ЗРУ-637, 23.09.2020.

Қонун (2022) “Олий таълим тўғрисида”ги – №ЗРУ-744, 14.12.2022.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 11.01.2021 йилдаги ПҚ-4963-сон.